

## ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДАГИ ТАРБИЯНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АХАМИЯТИ

Сайдов Азамат Исмоилович

Самарқанд давлат чет тиллар институти Магистратура бўлими бошлиғи, психология фанлари доктори, доцент

Жамолиддин Яхшибоевич Сайдуллаев

Самарқанд давлат чет тиллар институти психологи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7437543>

**Аннотация.** Мақолада оиласий тарбиянинг ижтимоий-психологик омиллари хусусан, фарзандларни оиласада тарбиялаш жараёни ва унинг психологик жиҳатлари, болага берилаётган тарбиявий таъсирнинг психологик масалалари, оиласада баркамол шахсни тарбиялашининг психологик механизмлари, компонентлари ҳамда бугунги кунда ўзбек оиласарида оиласий тарбиядаги йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларга барҳам берининг психологик имкониятлари ва бу борадаги психологик йўналишдаги тавсиялар қамраб олинган.

**Калим сўзлар:** оила, оиласий тарбия, оиласий табиянинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, оиласада баркамол шахсни тарбиялаш, оиласий тарбиядаги йўл қўйилаётган камчиликлар, оиласий тарбиянинг психологик механизмлари, оиласининг асосий ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва психологик вазифалари.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ВОСПИТАНИЯ В УЗБЕКСКИХ СЕМЬЯХ

**Аннотация.** В статье рассмотрены социально-психологические факторы семейного воспитания, в частности процесс воспитания детей в семье и его психологические аспекты, психологические вопросы воспитательного воздействия на ребенка, психологические механизмы и компоненты воспитания освещены круговой человек в семье, а также недостатки семейного воспитания в узбекских семьях на сегодняшний день и психологические возможности их устранения и психологические рекомендации в связи с этим.

**Ключевые слова:** семья, семейное воспитание, социально-психологические особенности характера семьи, воспитание в семье всесторонне развитой личности, недостатки семейного воспитания, психологические механизмы семейного воспитания, основные социальные, духовно-нравственные и психологические задачи семьи. .

## SOCIO-PSYCHOLOGICAL SIGNIFICANCE OF EDUCATION IN UZBEK FAMILIES

**Abstract.** The article examines the socio-psychological factors of family education, in particular, the process of raising children in the family and its psychological aspects, psychological issues of the educational impact on the child, psychological mechanisms and components of raising a harmonious personality in the family and their psychological aspects. The problems of family education in Uzbek families and the possibilities of their elimination are highlighted.

**Keywords:** family, family upbringing, social and psychological characteristics of the family, upbringing in a family of a harmonious person, problems of family upbringing, psychological mechanisms of family upbringing, the main social, spiritual, moral and psychological functions of the family.

Оиланинг асосий ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва психологик вазифаларини қисқача таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, болада шаклланадиган барча ҳиссий, руҳий туйғулар: меҳрибонлик, оқибатлилик, ўзига ва атроф табиатга нисбатан маъсулиятлилик куртаклари оиласда намоён бўлади. Оила ўз вазифасини лозим даражада амалга ошириши учун эса уни тегишлича маърифий-методик қуроллантириш, ижтимоий, маънавий, тадбирларни ўtkазиш йўли билан унга ёрдам бериш зарур бўлади.

Колаверса, маънавий етук оила – маънавий юксак жамият таянчидир. Оила - урфодатлар, шажара, анъаналар, ахлоқий-маънавий қадриятларни фарзандлар онгига сингдириш, ҳар бир оила аъзосини касб-хунар малакалари билан қуроллантириш маънавий баркамолликни тарбиялашнинг асосидир.

Миллий маънавий қадриятларнинг, миллий тарбия усулларининг аҳамиятини камситмаган ҳолда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши мумкин эмас. Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги билан белгиланади. Бу назарий қоида бугунги кунда ижтимоий тарбияга ҳам, оилавий тарбияга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Қўйида биз оиласда фарзандларни тарбиялаш, тарбиядаги йўл қўйилаётган хатоликлар, ёшлар тарбиясининг бузилиши ва унинг олдини олиш борасидаги муаммоларни ўрганиб ва таҳлил қилиб, бугунги кун амалиётига жавоб берадиган ўзимизнинг илмий ва ҳаётий хуносаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Бутун дунё ва хусусан юртимизда юз бераётган янги ижтимоий-тариҳий воқеликлар - оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияда жиддий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, оиласда фарзандларни мустақиллик руҳида, янгича фикрловчи шахс сифатида тарбиялаш оиласдан бошланишини эътиборга олиб, оилавий тарбия мазмунини қайтадан кўриб чиқиши ва уни янада бойитиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва шу аснода мақсад ва вазифаларни ҳамда уларни қандай воситалар билан амалга ошириш йўлларини аниқлаш муҳим ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик зарурият бўлиб бормоқда.

Ана шу заруриятдан келиб чиқсан ҳолда, оилаларда фарзандларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш масаласи ижтимоий сиёсий ва маданий-маърифий аҳамият касб этади. Чунки, мазкур масалаларни ҳал этиш анча мураккаб ва зиддиятли бўлиб, унга ворисийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиб талаб этилади.

Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш устида тўхталганда, миллий ахлоқ ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятини очиб бермоқ зарурдир.

Миллий ахлоқ ва тарбияда ота-боболаримизнинг тарихий тажрибалари, даврлар синовдан ўтган ҳаёт сабоқлари ва ўгит кўрсатмалари жамулжамдир. Шу боисдан миллий ахлоқий қадриятларимиз асрлар оша авлодлардан-авлодларга ўтиб келмоқда.

Ҳар қандай ахлоқий фазилат у ёки бу йўсинда инсондаги хатти-ҳаракатни тартибга солишининг ифодаси бўлиб, инсонга бўлган ҳурмат эътибор, меҳр-муҳаббатни билдиради ва у умубашарий мазмунни акс эттиради. Зотан, ҳар қандай шахс одамзотнинг бир зарраси экан, унда бутун одамзотнинг моҳияти мужассам, шунинг учун ҳам у бутун инсониятга мансубдир. Шунга кўра, ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбиясида, уни баркамол инсон бўлиб етишида умуминсоний маъно ва мазмунни кўрмоғи мақсадга мувоғик. Боланинг

ахлоқий фазилатлари умуминсоний характер касб этиб умумбашарий қадриятта айланишини англаб етган ота-она фарзандлари тарбиясидаги маъсулиятни чуқур ҳис қилишларини тақоза этади.

Оилада шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш боланинг туғилиши билан бошланади ва у оилавий муносабатлар характери, ота-оналарнинг намунаси, улардаги умумтаълим даражаси, умуммаданий савияси, ҳамда умумпедагогик маданияти ва оилавий ҳаётини қандай ташкил этишни ўз ичига олади. Бу омиллар оилада болани маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади ва улар бир қатор педагогик-психологик хусусиятларни ўз ичига олади. Буларни ҳисобга олиш эса болани маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда миллий ахлоқий қадриятлардан фойдаланишининг моҳиятини, ўзига хослиги ва аҳамиятини билишга ёрдам беради.

Кузатишларимиз ва манбалардан маълум бўлшича, оилада фарзандларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш борасида шарқ мутафаккирлари мероси ва ислом таълимотида жуда кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалар илгари сурилади.

Диний қадриятларнинг янги тарихий шароитда оилавий маънавий-ахлоқий тарбияда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шу билан изоҳланадики, диний тасаввурлар, расм-русумларнинг миллат турмуш тарзига, ҳалқнинг ҳаётий фаолиятига сингиб кетишига сабаб, диний онгни инсон руҳиятига бўлган кучли таъсири оқибатидир. Айни вақтда, оилавий тарбия жараёнида диний қадриятлар билан диний бидъатни фарқлаш ва бола онгини диний хурофотлар билан заҳарланишининг олдини олиш ота-оналарнинг бурчи ҳисобланади.

Ёшларнинг қалби ва онгода соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишилаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган.

Шарқ алломалари ўз асарларида фарзандларга тарбия ва таълим бериш, уни маърифату маданиятга етаклаш муаммоларига эътибор берганлар. Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбияси, гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини таъкидлаганлар. Жумладан, Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбехул ғофилийн” асарларида фарзандларда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш тараннум этилган. Юртимиз уламолари ўз асарларида фарзандининг чиройли одобидан умид қилган ота-она, уни мунтазам равишда ҳусни хулқ асоси бўлган муомала одобининг қўйидаги кирралари билан таништириб бориши муҳим эканини алоҳида таъкидлаганлар:

- фарзандингиз одамлар билан муомалада шириңсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига эътибор қаратинг;

- одамлар хурсандчилигини баҳам қўриш, ғам-андуҳидан қайғуриш, мол-мулкига хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш ҳусни хулқ эгаларига хос фазилатлардандир. Шунинг учун фарзандингизга ана шу хислатларни болаликдан сингдириш пайида бўлинг;

- фарзандингизга ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ўзгаларни менсимаслик, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муносабат кўрсатиш ҳам одобсизлик эканини уқтириб боринг;

Оилада бола тарбияси тўғрисида Алишер Навоийнинг ажойиб фикрлари мавжуд. Унинг фикрига кўра тарбияда энг муҳими болаларни севиш, «Болага, деган эди улуғ шоир, - кичиклигидан бошлаб, ёшини хисобга олган ҳолда ахлоқий тарбия бермоқ зарур».

Таниқли шоир ва педагог Абдулла Авлоний ҳам оилада болалар тарбияси тўғрисида муҳим аҳамиятга эга бўлган ажойиб фикрларни баён қилган. У ўзининг “Яшнаган ўлка ва ахлоқ” номли китобида ёзганидек, боланинг соғлиги ва баҳти аввало унинг яхши тарбияланишига, баданинг тозалигига, эътиқод ҳосил қилишига, яхши хулқقا эга бўлишига, уни ғайриахлоқий хатти-харакатлардан огоҳлантирилишига боғлик.

Ўзбек оилаларда кенг тарқалган ҳалоллик, тўғрилик, бировлар ҳақига хиёнат қилмаслик, хайр-эҳсон, соҳоват ва мурувват, тежамкорлик ва исрофгарчиликка йўл кўймаслик каби фазилатлар миллий ва диний қадриятлар замирида шаклланган ҳамда улар оилавий тарбия натижасида ота-оналаридан болаларига ўтиб, уларнинг маънавий дунёсини бойитган.

Оиланинг муҳим вазифаларидан яна бири коммуникативлик бўлиб, унинг мазмунини оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, оммавий ахборот воситалари билан оила аъзолари ўртасидаги яқин алоқани таъминлаш, теварак-атрофдаги табиатни, ижтимоий муҳитни идрок қилиш каби масалалар ташкил этади.

Кейинги йилларда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда оммавий ахборот воситалари, матбуотнинг таъсири ҳам катта ўрин тутмоқда. Ёшларнинг кўрган-эшитган, ўқиган нарсаларини ўзлаштиришларида ва тегишли хуносалар чиқаришларида ҳам оила воситачилик вазифасини бажариши лозим.

Оилада бўш вақтни самарали ташкил этиш оиланинг асосий вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бўш вақт жамиятнинг муҳим ижтимоий қадриятларидан бири хисобланади. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш яъни, китобхонлик, меҳнат, шунингдек музей, кино, театр, концерт, тарихий обидаларга, қадамжоларга саёҳатлар ўюштириш ва бошқалар оила баркамоллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Оиладаги ўзаро муносабатларда ва турмушда гўзаликка эътибор бериш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Агар ота-она ва оиладаги катталар ўзаро муносабатларида гўзаликка эътибор берсалар, оила муомаласида аҳиллик, самимият, хурмат бўлса, шу оилада тарбияланаётган фарзандлар ҳулқида юқоридаги каби ахлоқий фазилатлар таркиб топиб боради. Демак, оиладаги эстетик тарбия ота-оналар ва бошқа катта кишиларнинг ўзаро тўғри муносабатидан бошланиши керак.

Болалар катталарнинг юриш-туришларини, муомаласини, қўшнилари, ўртоқлари билан қандай гаплашишларини кузатадилар. Шунинг учун ёш болалар олдида мақтаниш ёки бошқаларни ғийбат қилиш мутлақо ёмон одат бўлиб, бу болаларга салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим бўлади.

Агар боланинг отаси ёки онаси бошқаларга нисбатан қўпол, бадфеъл, сержаҳл бўлса, арзимаган нарсалар устида ғавғо кўтарса, ўз боласининг асабини бузади, бу ҳол боланинг руҳиятига салбий таъсир этади. Бундай шароитда эстетик тарбияга ўрин қолмайди. Болаларни эстетик хислари баркамол кишилар қилиб вояга етказиш учун

оиладаги каталар ўзлари эстетика талабларига тўла амал қиладиган кишилар бўлишлари лозим.

Оилада болаларни саранжон-саришталикка, озодаликка ўргатиш, ўз буюмларини, кийим-кечакларини эҳтиёт қилишга одатлантириш уларда интизомни тарбиялади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бола ота-онанинг ва катталарнинг кийим-кечагини, феъл-авторини синчковлик билан кузатади. Шунинг учун ота-оналар болаларнинг бу хусусиятига бефарқ қарамасликлари керак.

Баъзи ота-оналар фарзандлари билан камроқ мулоқотда бўлиши улардан ўзларини нарироқ олиб юриш билан обрў орттиришни ўйлашади. Уларнинг назарида, гёё фарзанд билан қанча кам учрашилса, шунча қўпроқ обрў қозониш мумкин. Бу мутлоқо нотўғри тушунча, ота-она ўз фарзанди билан қанча кам мулоқотда бўлса, улар ўртасида бегоналашиш, лоқайд бўлиш ҳолатлари келиб чиқади.

Айрим ота-оналар бола билан фақат расмиятчилик орқали обрў орттиришга ҳаракат қилишади. Бунда улар қилдан қийик қидиришиб, болага танбех беришади, унинг барча хатти-ҳаракатларини чеклаб қўйишади, бўлар-бўлмасга жеркиб, силтаб ташлашади. Унутмаслик керакки, бу яхшиликка олиб келмайди.

Болага ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан ҳадеб васийлик ва ҳомийлик кўрсатавериш ҳам яхши натижа бермайди. Ота-оналар ёки оиланинг катта аъзолари бундай муносабатнинг ўрнига болалар билан ҳамфир, дўст каби муносабатда бўлсалар, болаларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳиссиининг шаклланишига туртки бўлади.

Оилада болаларга тарбиявий таъсир этиш сифатини ошириш учун ота-она ва оиланинг катта аъзолари томонидан болага қўйиладиган талаблар ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан иш бирлиги бўлиши яхши натижа беради. Оилада бундай бирликнинг бўлмаслиги, бола хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлар билан муносабатда бўлишда уларнинг кўнглига, ёш хусусиятларига, психологиясига эътибор бермаслик, оилаларда бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўtkазиш асосида қилинадиган муносабат болаларда қўрқоқлик, асабийлик, ёлғончилик, шафқатсизлик, қўполлик, андишасизлик каби сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Бундай сифатлар болалар ва ўсмирларда тарбия бузилишининг келиб чиқишига имконият яратади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оила – фарзандларни ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишларида мухим ўрин тутадиган асосий тарбия - ўчоғидир.

## REFERENCES

1. Ismailovich A. S. PROBLEMS OF IMPROVING PSYCHOLOGY OF HEALTHY LIFESTYLE OF UZBEK FAMILY //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – T. 4. – №. 1. – C. 313-318.
2. Saidov A. SOCIAL PSYCHOLOGICAL SIGNIFICANCE OF THE FORMATION OF A CULTURE OF A HEALTHY LIFESTYLE IN THE FAMILY //Science and innovation. – 2022. – T. 1. – №. B7. – C. 867-871.
3. Sharifjon To'lqin o'g A. et al. TA'LIM-TARBIYA TIZIMI VA O'QITUVCHILAR FAOLIYATIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING AHAMIYATI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2022. – T. 1. – №. 11. – C. 57-60.
4. Azamat, S. (2022). On The Basis Of National Values To Raise A Healthy Generation In The Family. Journal of Positive School Psychology, 6(10), 2417-2420.
5. Ismailovich S. A. Socio-Psychological Problems of Educating an Independent-Minded, Creative Person in the Educational Process //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – T. 2. – №. 12. – C. 4-7.
6. Сайдов А., Джураев Р. Баркамол авлодни тарбиялаш-соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 203-208.
7. Сайдов А. pedagogik mahorat: ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифа сифатида //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
8. Сайдов А. СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2021. – Т. 1. – №. Special issue. – С. 262-266.
9. Сайдов А., Джураев Р. Воспитание гармоничного поколения–роль спорта в формировании здорового образа жизни //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 203-208.
10. Saidov A. Historical roots of formation of healthy lifestyle culture psychology in the family //International Journal of Pharmaceutical Research. – 2020. – Т. 12. – №. 4. – С. 628-630.
11. Ismoilovich, S. A. SOCIO-PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF THE FORMATION OF THE PSYCHOLOGY OF A HEALTHY LIFESTYLE OF FAMILIES
12. Saidov A., Avulkhairov F., Razakov F. SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE PROBLEM OF THE FORMATION IN THE FAMILY OF PERCEPTIONS OF A HEALTHY LIFESTYLE OF YOUNG PEOPLE AND THE STATE OF ITS STUDY //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B7. – С. 1432-1436
13. Авлоний А.«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» Т.:«Ўқитувчи»1992,11-14 6.
14. Иномова О.«Фарзанд-ниҳол, ота-она боғбон»Тошкент,«Ўқитувчи» 1994 й.
15. Узоқов Х., Фозиев Э., Орипова Л. «Оила ахлоқи ва одоби». Тошкент; «Ўқитувчи» 1995, 198 б.